

«20» октябрь 2022 йил

## ШАРТНОМА № 4

Ўзбекистон тумани

“BUILD TOWN UNIVER” МСНҲ бундан буён матнда «Етказиб берувчи» деб аталади корхона номидан раҳбари **Ю.Мадрахимов** бир томондан бундан буён матнда «Буюртмачи» деб аталувчи Ўзбекистон туман ҳокимлиги номидан амалдаги Низом асосида фаолиятни амалга оширувчи **Ш.А.Юлдашев** иккинчи томондан ушбу шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар.

### 2. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1. «Етказиб берувчи» буюртмачига мазкур шартнома шартлари асосида қуйидаги миқдор ва қийматларда маҳсулотларни сотади. «Буюртмачи» эса маҳсулотни ҳақини шартнома шартлари ва муддатлари асосида тўлаб, қабул қилиб олади.

т.р.	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Суммаси
1	Йирик шоҳли қора мол	дона	4	9 975 000	39 900 000
	<b>Жами</b>				<b>39 900 000</b>

Сумма сўз билан: Ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз минг сўм

### 2. ҲИСОБ КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1 Маҳсулот учун тўлов мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб «Буюртмачи» томонидан олдиндан 30% миқдоридан пул ўтказиш йўли орқали амалга оширилади.

2.2 «Буюртмачи» томонидан шартнома умумий суммасининг 70% тўлови «Етказиб берувчи» томонидан маҳсулот (иш ва хизматлар) етказиб берилгандан ва ҳисоб-фактуралар тақдим қилингандан кейин амалга оширилади.

2.3 Маҳсулотни топшириш вақтида нарх ўзгарса, «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» огоҳлантирилади ва уни розилигини олади.

2.4 Қабул қилиб олинган маҳсулотларнинг тўлов муддати 15 иш кунидан амалга оширилади.

2.5 Томонлар ўртасида ҳисоб-китоб пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

### 3. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТЛАРИ

3.1 Етказдириб бериладиган товар ёки маҳсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (*мувофиқлик сертификати*) ва «Буюртмачи» нинг талабларига мос келиши шарт.

3.2 «Етказиб берувчи» мазкур шартнома қонуний кучга киргандан сўнг маҳсулотни 5 иш кунидан давомидан «Буюртмачи» га етказдириб бериши шарт.

### 4. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.

4.1 Ушбу шартномадаги шартлар асосида маҳсулот ва унга тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га топширади.

4.2 «Буюртмачи»га берилиши лозим бўлган маҳсулотни ва давлат стандартларига жавоб беришини қайта текширувдан ўтказилади.

4.3 «Буюртмачи»га маҳсулот топширилгандан сўнг уни сақлаш ва қандай ҳолда ишлашиш каби ҳолатларга жавобгарликдан мустаснодир.

4.4 «Буюртмачи» шартномада белгиланган талабларга риоя қилган ҳолда тўловларни амалга ошириш, маҳсулотни сони, сифатига қараб ўз вақтида қабул қилиб олиш.

4.4 Тегишли даражада сифатли бўлмаган ҳолда маҳсулот келиб тушганлиги аниқланганда, далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 иш куни ичида «Ўтказиб берувчи»ни огоҳлантириш.

## **5. КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАР**

5.1. Мазкур шартлар тарафлар, уларнинг каффилланган шахслари ва ишчиларининг бизнесни очиқ ва ҳалол юритиш тамойилларига содиқлигини акс эттиради, кўрсатилган шахсларнинг коррупсиявий фаолиятга аралаштириш хатарларини минималлаштиришга, шунингдек тарафларнинг ишбилармонлик обрўсини юқори даражада сақлашга қаратилган.

5.2. Тарафлар мазкур шартларга риоя қилиш ҳамда мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи ўз каффилланган шахслари ва ишчилари томонидан риоя қилинишини таъминлаш, шунингдек мазкур шартларнинг амалда бузилган ёки бузилиши мумкин бўлган ҳолатларда бир бирига ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олади.

5.3. Тарафлар мазкур шартномани бажаришда қуйидаги ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек ўз каффилланган шахслари ва ишчилари ушбу ҳаракатларни бевосита ёки билвосита амалга оширмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади: мансабдор шахслар, мансабдор шахсларнинг қариндошлари ёки мансабдор шахслар томонидан кўрсатилган шахслар, ёхуд давлатга бирон тарзда алоқадор шахсларга тарафлар, мазкур шартнома бўйича ҳаракат қилувчи уларнинг каффилланган шахслари ва ишчилари учун ноқонуний равишда устунликларга эга бўлиш мақсадида пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ.- рағбатлантирувчи Тараф фойдасига бирон-бир ҳаракатларни амалга оширилишини (оқданмаган устунлик бериш, бирон-бир кафолатлар тақдим қилиш, тегишли тартиб-таомилларни тезлаштириш ва ҳ.) таъминлаш мақсадида бошқа тараф ишчиларига, унинг аффилланган шахсларига пул воситалари тўлаш ёки тўлашни таклиф қилиш, ёки бошқа қимматликларни тақдим қилиш, ишлар (хизматлар)ни бепул бажариш ва ҳ. коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузувчи, шу жумладан тижоратда пора эвазига оғдириб олиш ҳамда бизнесни юритишнинг қонунга ҳилоф ва ғайриҳуқуқий бошқа ҳаракатлар.

5.4. Агар тарафда коррупсиявий ҳуқуқбузарлик содир этилган ёки содир этилиши мумкинлиги ҳақида гумонлари пайдо бўлса, тегишли тараф бошқа тарафни бу ҳақда ёзма равишда хабардор қилиш мажбуриятини олади ва тегишли ҳуқуқбузарлик содир бўлмаганлиги ёки содир бўлмаслиги ҳақида бошқа тарафнинг тасдиқномасини олгунга қадар шартнома бўйича ўз мажбуриятлари ижросини тўхтатиб туришга ҳақли. Тасдиқнома ёзма хабарнома олинган санадан 10 (ўн) банк иш куни давомида юборилиши лозим.

5.5. Бир тараф коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликни бузганда ёки бошқа тараф ҳуқуқбузарлик содир бўлмаган ёки содир бўлмаслиги ҳақида

ўрнатилган муддатда тасдиқнома олмаган тақдирда, бошқа тараф шартномани бекор қилиш ҳақида ёзма хабарнома жўнатган ҳолда шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Мазкур шартлар қоидалари асосида шартномани бекор қилиш ташаббуси билан чиққан тараф, шартномани бекор қилиш натижасида вужудга келган ҳақиқий зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

## 6. МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИК

6.1 Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилганда, тўлиқ етказиб берилмаган ҳолларда «Етказиб берувчи» томонидан «Буюртмачи» га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар баҳосининг 25 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

6.2 Етказиб берилган товарлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун «Буюртмачи» томонидан «Етказиб берувчи»га суммаси 25 фоизи миқдорида жарима ва ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,5 фоизини, ammo тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

## 7. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

7.1 Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган куч, яъни фавкулотда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар) Форс мажор туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа жавобгар булмайди.

## 8. ШАРТНОМАНИ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТЛАРИ НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1 Ушбу шартнома ҳар иккала томонлар томонидан имзоланган ва ҳуқуқшунос томонидан тасдиқлангандан сўнг қонуний кучга киради. Шартнома бир ҳил юридик кучга эга булган 2 (икки) нусхада тузилади ва ҳар иккала томонга бир нусхадан берилади.

8.2. Ушбу шартнома бир томонлама бекор қилинишига йул қўйилмайди.

8.3. Имзоланган шартнома «31» декабрь 2022 йилгача амалда килади.

8.4. Шартнома юзасидан келиб чиқадиган ҳар қандай низолар тарафлар келишуви билан ҳал этилмаса, судлар томонидан кўриб чиқилади.

### «ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ»

#### “BUILD TOWN UNIVER” МСНҲ

Манзил: Ўзбекистон т. Сочтепа МФЙ

ш/хр: \_\_\_\_\_

Х/р: 20 208 000 205 511 361 001

Банк: АТ Агро банк Ўзбекистон филиали

ИНН: 309 432 642 МФО: 00533

Тел.: \_\_\_\_\_

### «БУЮРТМАЧИ»

#### Ўзбекистон туман ҳокимлиги

Манзил: Яйпан шаҳар, Зиёкор-98 уй

ш/хр: 400122860302307011204018002

Х/р: 23 402 000 300 100 001 010

Банк: Марказий банк Тошкент ХККМ

ИНН: 200189154, МФО: 00014, ОКОНХ 97600

Тел.: 73-53-91-887

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Ю.Мадрасимов

Раҳбар: \_\_\_\_\_

Ш.А.Юлдашев

Туман ҳокимлиги ҳуқуқшуноси: \_\_\_\_\_

Х.М.Отажонов